

МАШРАБ БОБОЕВ

**ОЛИСДАГИ
ЧИРОҚ**

Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1982

Уз
Б 79

Бобоев, Машраб.

Олисдаги чироқ: Шеърлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 — '80 б.

Машраб Бобоев «Онамга хат» (1971), «Баҳор кайфияти» (1974), «Пахта менинг — бахтим менинг» (1975), «Суз» (1978) китобларининг муаллифи.

Мазкур тўпламга шонринг инсон ва ўнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида мушоҳада юритувчи янги шеърлари киритилди.

Бабаев, Машраб. Далёкий огонь. Стихи.

Уз 2

Б 70403 — 107 50 — 82 4702057020
М 362(04) — 82

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.

* * *

Тонг отиб келмоқда,
Бу қутлуғ айём
Бир маъюс ўйларга фарқ бўлар киши.
У бир чақалоқдир—покиза ва хом,
Ўзимизга боғлиқ қандай ўсиши...

1978

АРЧА ЕНИДА

(Янги йил шеъри)

Сўлмас ёшлик берган сенга табиат,
Борми ёшликдан ҳам ортиқроқ ҳусн!
Шукрона айтайлик, шукрона фақат,
Шундай бир бебаҳо эҳсони учун!

Мен бу кун ҳуснингга термилганча лол,
Хаёл осмонида этаман парвоз.
Унда имлаб қочар мени бир иқбол,
Иқболки, нурафшон, сирли ва мумтоз.

Мен ўша иқболни тутсаму қўлда,
Одамларга бир-бир улашсам дейман.
Ҳаммага ёр бўлса у Янги йилда...
Иқбол улашмоқни бошласам кимдан?

Ташлаяпмиз Янги йилга илк қадам,
Янги йил — янги бир ҳаётдир демак.
Боши, охири бор ҳар нарсанинг ҳам,
Ҳаёт — болаликдан бошланар бешак.

Демак, болаликка — биринчи ҳадя,
Болалар бир халқдир — яхлит, безавол.
Ушбу серҳаяжон, муқаддас дамда
Дастлаб болаларга тилайман иқбол.

Болалар бир халқдир, дейману шу дам
Кўз олдимга келар чексиз пахтазор.
Тарбиясида ҳам, оқлигида ҳам
Пахтанинг болага ўхшашлиги бор

Йлк кўкдамдан тортиб то қишга қадар
Тонгми, тушми, кечми ёки тун ярим,
Бир тун ғўза беҳол кўрилса агар,
Пахтазордан чиқмас сингилжонларим.

Бугун пахта билан маъмурдир олам,
Кўксимиз ҳам тоғдир хирмонлар мисол.
Мен ушбу муқаддас, серҳаяжон дам
Пахтакор қизларга тилайман иқбол.

Устоз билан тирик ҳар қандай ҳунар,
Таъзимим қабул эт, миришкор деҳқон!
Миллион йиллик илминг бўлмаса агар,
Кўтарилармиди бу катта хирмон!

Неъматга шукрона—удум қадимдан,
Бу қадим удумни бузмасдан алҳол,
Мен ушбу муқаддас, серҳаяжон дам,
Бободехқонимга тилайман иқбол!

Туйғуларга қолса—тинмоқчи эмас,
Қаломи мухтасар энди ушбудир:
Боласи, пахтаси омон бўлса бас,
Халқимга тилаган иқболим шудир.

1978

ДЕҲҚОН

*Синфдош дўстим, Социалистик Меҳнат
Қоҳрамони, КПСС XXIV съезди де-
легати Абдусаттор Сулеймоновга*

I

Ҳали баҳор уйқудадир, кўзларини очмаган,
Олам узра турфа-турфа рангларини сочмаган.
У кўринмас на чучмома, на ўрикнинг гулида,
Кўшиқ бўлиб янграмайди қалдирғочнинг тилида.
Эндигина кўтарилар ердан қишнинг ҳовури,
Қулоқларни батанг қилмас ҳали меҳнат говури.
Лекин биров лойга ботиб, далани кезиб юрар,
Хаёлида сон-саноқсиз режалар чизиб юрар.
Уйга тўла нигоҳида уфқлар акс этади,
Юрагида ташвиш билан ҳаяжон баҳс этади.
Ер—тириклик ташвишлари толиқтирган она-ю,
Мудроқ босган онасининг қошида парвона у.
Лорсиллаган шудгордаги чизиқ борки—меҳнатдир,
Унга оқ юзидаги ажинлардай қимматдир.
У онадан илтижоли кўзларини узмайди,
Эртанги кун берадиган инъомини кўзлайди...
Ҳали баҳор ухлаб ётган бўлса қишнинг мулкида,
Ҳали бўлса дала-ю дашт изғириннинг ҳукмида,
Бу серташвиш, бу безовта одам кимдир, қай жондир?
Дехқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

II

Анча бўлди борлиқ узра оқшом чўкканига ҳам,
Энди бироз яйраб, эркин нафас олади одам.
(Гарчи қуёш борлиқ учун, ҳаёт учун нафасдир,
Ёғиб турган оташига чидаш осон эмасдир!)

Бу маҳалда телевизор кўриб бўлиб сизу биз
Ширин тушлар оғушида ухлаб ётган бўламиз.
У эгатлар орасида сув етаклаб юради,
Ўзасининг иқболига боғлиқ ўйлар суради.
Ўза инжиқ, табиати боланкидай бўлар,
Бола қандай ўсинини бола ўстирган билар,
Иссиғидан, совуғидан хавотирда, бетоқат,
На кўнгилда бир ором бор, на уйқуда ҳаловат.
Ўза унинг энг арзанда фарзандидан арзанда,
Ўза унинг бош фарзанди, ҳам энг кенжа фарзанди.
Фикру ўйин эгаллаган фақат ўза ташвиши,
Ўза борки, йўқдир унинг бўлак нарсада иши.
Ҳоким бўлса борлиққа тун салтанати ушбу дам,
Бола каби ётган бўлса маст уйқусида олам,
Бу—ҳордиғу жон қадрини билмаган ким, қай жондир?
Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

III

Куз кезади далаларда, қўнғиртобдир бўёқлар,
Етиб келди мана энди сарҳисоб қилар чоқлар.
Ўйлар каби учиб юрар сарҳисобнинг мезони,
Битта-битта узилади дарахтларнинг хазони.
Бу фаслга осойишта мудроқ сукунат хосдир,
Лекин сокин мудрамоқнинг пайти эмасдир ҳозир.
Уфққача оппоқ бўлиб пахта очилиб ётар,
Унинг умри, машаққатли бахти сочилиб ётар.
У пахтани мисқол-мисқол териб олмоғи лозим,
У бахтини эл-юртига ҳадя қилмоғи лозим.
Шунинг учун тиним билмас, шамол каби сарсари...
Шпинделлар шилиб кетган ўзапоя сингари
Соқоллари ўсиб кетган шиддатли юзларида.
Юрагининг ўти ёнар киртайган кўзларида.

Шижоатга айлангандир бутун вужуди бу дам.
Унинг кўксин нишон айлар осмондаги юлдуз ҳам.
Бахти ўша юлдуз каби кулсин, доним бўлсин ёр...
Энди уни ким эди деб сўрамассиз сиз зинҳор:
Оддийгина ўзбекдир у, оддийгина инсондир,
Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

1975

МЕН АНГОЛАМАН

Антонио Агостињо Нето монологи

Мени кечирасиз,
Гапларимда унча назокат йўқ,
Ўзимни ҳам унча сипо тутолмайман.
Мен

дипломатиянинг
Олий математиканинг чигал қондалари каби
найрангларини
ўрганмадим ҳали.

Балки пайти келар бунинг ҳам,
Лекин
Ҳозирча
сезмаяпман бунга эҳтиёж.

Мен — Анголаман!
Анголани ҳар ким ҳар хил тушунади:
Биров —
Табиати, иқлими
Жонга роҳат жаннатмаконни,

Биров —
Қуйиб ётган жазираманг;
Биров —
Ноз-неъматга тўла,
Биров эса —
Оч-яланғоч, қашшоқ, ўлкани;
Биров —
Тишидан бўлак ҳамма нарсани қоп-қора,
Биров эса —
Рангидан бўлак ҳамма нарсаси оппоқ халқни

Кўз олдига келтиради,
Ангола деганда,
Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри.
Буларнинг ҳаммаси менда мужассам.
Мен шундай бир минтақаман,
Мен — Анголаман!

Мен —
Кекса,
Тинка-мадори қуриган,
Жаҳолат ва ғафлатга кўмилган,
Наинки кўзлари,
Бутун вужудини мудроқ босган
Бенаво бир чол эдим.
Шу қадар бенаво эдимки,
Оғзимдаги ошни,
Билагимдаги қувватни,
Юрагимдаги шижоатни,
Вужудимда оқаётган қонни
тортиб олдилар.
Ўзимнинг устимга,
Ҳамиятимнинг устига,
Номусимнинг устига
чиқиб топтадилар.
Мазах қилдилар,
Лекин
Инграшдан нарига ўтолмадим мен.

Шу тариқа асрлар ўтди.
Кейин
Бир шаббода эсди,
Ҳаётбахш бир шаббода,
Эрк шаббодаси.
Вужудимдаги минг йиллик жароҳат,
Рухимдаги минг йиллик мудроқ,

Ҳамиятимни ўраб ётган минг йиллик қўр —
Гойиб бўлди бир нафасда.
Ва мен ўзимни танидим:
Навқирон,
Қелинган,
Серпай бир вужудман,
Мен — Анголаман!

Менинг ҳеч кимдан,
Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ.
Идора қиламан ўзимни ўзим.
Менга на ҳомий керак,
На ақл ўргатувчи маслаҳатгўй.
На
Кўзи кўзимда-ю,
Қўли чўнтагимда бўлган раҳнамо.
Менга фақат дўст керак,
У ҳам беғараз бўлса.
Ахир, мен жонсчз
Жуғрофий бир минтақа эмас,
Жонли,
Тўлақонли бир халқман,
Мен — Анголаман!

Саҳифаларида

минг йилликлар акс этган тарихим
тугаб битаёзган эди,

Энди қайтадан бошланди яна.

Энди унинг —

Янги тарихимнинг

Илк саҳифасига

Ездим:

«Кураш!»

сўзини.

Менинг мавжудлигим,

Бахтим,

Келажаким

Шу бир сўзда:

«Кураш!»да мужассам.

Ҳа, мен курашчиман,

Мен — Анголаман!

Мана,

Қафасини парчалаган шердай

Турибман қаршингизда.

Вужудимдаги шижоат,

Нигоҳимдаги шиддатнинг ёнида

Бир маъсумликни кўриб

ажабланманг сиз.

Мен — шоирман,

Шоир бўлмасам,

Эҳтимол,

Аҳволимнинг бу қадар ночорлигини

англамаган бўлардим.

Шоир бўлмасам,

Эҳтимол,

Ҳаётимни боғламаган бўлардим

Биргина

«Кураш!»

сўзига.

Шундай,

Гарчи сўзларимда унча назокат йўқ,

Сипо тутолмасман унча ўзимни.

Лекин

Елғон эмас сўзим,

Сохта эмас ҳолатим.

Чунки мен

Шоир ва курашчи ролин ўйнаётган артист эмас

(Сиз бундайларни кўп кўргансиз-да),

Ҳақиқий шоир,

Ҳақиқий курашчиман.

Биласизки,

Елғон аралашган шеър —

Шеър эмас.

Биласизки,
Елгонни инкор этар

«Кураш»

сўзининг ўзи.

Шундай,

Қаршингизда турибман, мана,

Ягона шиорим — Эрк.

Ҳа,

Эрк курашчиси,

Кураш шоириман мен,

Мен — Анголаман!

1978

ДОСТОН

У
Туғилди.
Усди.
Яшади.
Гоҳ
Йўлларда юрди,
Гоҳида —
Йўлсиз.
Ҳалол яшаб,
Ошин
Ҳалол ошади.
Вафот этди.
Жойи
Жаннатда бўлсин!

1980

ҚҰШИҚ

Ҳожихон Болтаева

Оппоқ қор ҳаммасқ, оппоқ қор...
Чилла салтанатга минган чоқ.
Олам — юзга кирган оқсоқол,
Беҳол ва мудроқ.

Ёшликда гупирган қондай бир вақтлар
Тоғлардан отилган дарёлар — ухлар.
Одамлардай инграйдн дарахтлар,
Нажот деб қарсиллар, нажот деб улар.

Чилла салтанатга минган чоқ.
Қуёш ночор кулар: ҳарорати йўқ.
Аммо муз қаърида бир қўшиқ уйғоқ,
Боладай ўйноқлаб оқар у қўшиқ.

Қофиядай қисар ариқча уни,
Муздан йўлларига қўяди тўсиқ.
Аёз жазавода сочар қаҳрини,
Лекин писанд қилмай оқади қўшиқ.

(У ер юрагидан сизилиб оқар,
Ер юраги эса — қўшиққа тўла.
Унга не-не юрак кўмилгандир ахир
Айтилмаган не-не қўшиғи билан!)

...Беписанд ўйноқлар безавол қўшиқ*
Ва ҳаёт улашар у йўл-йўлакай.
У — юз яшар чолнинг қўлидан тутиб,
Етаклаган болакай.

1970

УИ

— Савлатинг бор, лекин салобатинг йўқ,
Бўёғинг тоза-ю, чиройинг сўниқ,
Гўё вужудингда бир армон тўлиқ.
— Эгам чироғимни ўчириб кетган!

— Мунғайиб турасан бенаво, беҳол,
Сўқир ва сўққабош бир кекса мисол.
Айтгин, нималарни англатар бу ҳол?
— Эгам чироғимни ўчириб кетган!

— Гўё фарзандига зор онаизор,
Гўё ёр йўлига интиқ вафодор.
Сенинг ҳам недандир бир илинжинг бор?
— Ҳамма бахтин кутар, кутаман мен ҳам!

— Е ажаб! Уйнинг ҳам бахти бўларми?
Бундай мўъжизани биров биларми?
Бор бўлса, айт қани, қачон кулар у?
— Келиб, чироғимни ёққан кун эгам!

1979

* * *

Кетар бўлдим қўйнингдан яна,
Онагинам, хайр энди, хуш қол.
Қўйгил энди, қўйгил, йиғлама,
Йиғламагил ёш бола мисол!

Совиб қолса оналар қўйни —
Бу — урушга хос эмас фақат.
Ҳижрон деган шафқатсиз ўйин
Бу шафқатсиз асрга одат.

Хуш кўрмасдинг ахир ўзинг ҳам
Ҳаддан ортиқ ширин таомни.
Энди бахтнинг нордонроғидан
Тотиб кўрсак, она, ёмонми!

Кетар бўлдим қўйнингдан яна,
Онагичам, йиғлама, бўлди.
Айрилиқ солмаса ўртага
Тинчивмайди тақдирнинг кўнгли...

1967

* * *

Тушларимга кирар бир чаман,
Яшнар унда фасли муҳаббат.
Шу чаманда мен ҳам етаман
Суйганимнинг васлига албат.

Тушларимга кирар бир гўша —
Бахтга тўла сирли бир олам.
Бахтим менга тутадн бўса,
Дудоғидан ўпаман мен ҳам.

Тушларимга кирар бир гулхап,
Унда кулга айланар риё.
Унинг заҳри ва тутунидан
Қора чодир кияди само.

Тушларимга кирар бир уфқ,
Орзум бўлиб имлайди мени.
Инъомини қўлимга тутиб,
Пойим узра қўяр бошини.

Тушларимга кирар бир баҳор,
Минг бир рангда товланиб, ёниб.
Шу баҳорга чулганиб ётар
Менинг она Ўзбекистоним...

Тушларим... гоҳ қилади хумор,
Тушларимни гоҳ соғинаман...
Тушларимга киради баҳор...
Тушларимга киради чаман...

1971

* * *

Умрим узоқ бўлар,
Сезиб турар кўнгил.

Асқад Мухтор.

Умрим узоқ бўлар менинг ҳам,
Кўзим очик кетмас оламдан.
Не-не умид узилгани дам
«Худо қайтиб берган» одамман.

Сочилгандир ҳар ерда ризқим,
Териб ерман барини бир-бир.
Қимдир бўлар вафоли дўстим,
Хундор ёвим бўлади кимдир.

Йўлларимда не-не муаммо,
Не-не сурон, не хавфу хатар.
Тақдиримда гулшанлар аро
Не курашлар қалашиб ётар!

Ҳали олис ўшал қутлуғ кун,
Парвозингни баланд ол, юрак!
Курашларда енгмоғим учун
Узоқ умр кўрмоғим керак:

1970

* * *

Дарахт баргларини тўкади. Нега?
Табиат қонуни, дейсиз, турган гап.
Лекин бошқачароқ туюлар менга,
Мен бунда кўраман бошқача сабаб;
У тагин ўсай деб тўкар баргини
(Чириган япроқлар озиқ-ку унга).
Кейин табиатга тўнкаб айбини,
Айлантириб олган буни қонунга...

1979

СОТҚИН ГЕНЕРАЛЛАР

(Пабло Нерудадан)

Сотқин генераллар,
Менинг ўлик уйимга —
Майиб Испанияга бир қаранг.
Лекин ҳар бир ўлик уйдан,
Гуллар ўринга
Пўлат бўй чўзадн.
Лекин
Испаниянинг ҳар бир харобасидан
Қалқиб чиқар бир Испания.
Лекин
Ҳар бир шаҳид мурғак
Айланади кўзлик яроққа.
Лекин
Ҳар бир жиноятдан
Уқлар туғилади-да,
Ўринни босади юрагимизнинг.

Сиз мендан
Нега
Орзулар,
Япроқлар,
Ҳаётимнинг катта вулқонлари ҳақида
Сўз очмаганимни
Сўраяпсизми?

Қаранг:
Қонга тўлиб ётар кўча.
Қаранг:
Кўча
Тўлиб ётар қонга!

* * *

(Александр Богучаровдан)

Ёлғизлик дардига май даво дерлар,
Аёл олар дерлар унинг захрини.
Ҳаммом яхши,
 . уйқу — бебаҳо дерлар,
Даволарлар минг бир усулда уни.

Шифо берганида ҳар малҳам агар,
Ҳаёт бўлар эди бефайз, беғулу...
...Ёлғизлик ўзини кўприкдан ташлар,
Тентираб юради вокзалларда у.

У пиво симириб сўнгсиз ўй сурар,
Холстдан боқадн: бор бўйи исён!
Ўзга қўлда эрмак бўлгандан кўра,
Ёлғизлик, минг марта ўзинг яхшисан!

ҲАЕТИМ ТАДРИЖИ

Соч-соқолга оқ ҳам тушар
Пиллар ўтиб орадан.
Лекин бундан қатъий назар,
Мен яшариб бораман.

Гапларимдан ташбеҳ, тимсол,
Ҳазил изламанг мутлоқ.
Бўлган гапдан айтай мисол,
Яхшилаб тутинг қулоқ.

Менинг битта танишим бор,
Жудаям жонон йигит.
Шинаванда ва тадбиркор,
Мендан ўн беш ёш кичик.

Танишганмиз уч йил олдин,
Аспирант эди баёв.
Менга иши тушиб қолди,
Битириб бердим дарров.

Қалинлашиб кетдик кейин,
Салом-алик ҳам қуюқ.
Мен акаман, у-чи, иним,
Биздан иноқ одам йўқ.

«Акажон» деб чопиб келар
Учрашиб қолсак агар.
«Акажон!» деб хитоб қилар,
«Акажон!» деб ҳар сафар.

Яқинда фан кандидати
Унвонини олди у.
Шундан бери ёшимиз тенг,
Дўстим бўлиб қолди у.

Ҳали ҳамон у ўзига
Мени яқин билади.
Ва «Машрабжон, дўстим!» дея
Жуда иззат қилади.

Илмнинг бўз тулпориди
Олдинга интилар у.
Аминманки, тез орада
Фан доктори бўлар у.

Ушанда ҳам иззат қилар,
Иззат қилар, биламан.
Лекин энди акам бўлар,
Мен — укаси бўламан.

Унда менга ифтихору
Мақтаниш бўлар пеша.
Яхшимасми фан доктори
«Машрабжон, иним!» деса!

Кейин... Худо умр берса
Мен олтмишга тўлганда,
Қирқ беш ёшли акам эса
Академик бўлганда,

Эҳтимолки, исимини ҳам,
Жисимини ҳам унутиб,
Учрашганда салом берсам,
Сўрашса «болакай» деб...

Кулманг, қизиқ туюлса гар,
Фатво бордир бунга ҳам.

Дейдилар-ку: «Бола бўлар
Кексайганида одам».

Ана шундай... Йиллар ўтар,
Йиллар ўтар орадан.
Лекин бундан қатъий назар,
Мен яшариб бораман.

1979

ТРОЛЛЕЙБУС

Майли,
Йиллар ўтсин,
 замонлар ўтсин,
Орқангдан эргашиб юрган-юрган.
Агарда электр сими бўлсанг сен,
Мен —
Троллейбусдирман.

Р. Рождественский.

Шиддати — ҳамроҳи. Чопгани — чопган.
Бир жуфт симни тутса басдир қўллари.
Тулпордай ўйноқи, тайёр ва чаққон,
Лекин шаҳар ичра барча йўллари.

Агар чиқолсайди симлар измидан,
Олиб қочар эди шиддати уни.
Симлар унга қувват бергани билан
Олиб қўйган қўлдан измини.

ЭМИЗАК

(Ҳазил)

Бола йиғлар. Қорним оч деб
Йиғлайди у.
Онасининг юмуши кўп —
Билмайди у.

Онаси дер: «Қараб тур сен
Тирмизакни!»
Ва оғзига солиб қўяр
Эмизакни.

Бола бирдан бас қилади
Ғалвасини.
«Мазза қилиб» сўриб ётар
«Мамма»сини.

Эмизакда сут йўқлигин
Биламиз биз.
«Осонгина алданди», деб
Куламиз биз.

Лекин қизиқ... Кўпни кўрган,
Қатта одам,
Эмизакни сўрамиз гоҳ
Ўзимиз ҳам.

Бир тасаввур қилиб кўринг:
Хўп ғалати.
Лекин бизнинг ҳолимизга
Ким кулади?

1975

МИРЗО УЛУҒБЕК МОНОЛОГИ

Шукур Бурҳон ижросида

«Мен — Улуғбек Мирзодурман, Шоҳруҳнинг ўғли,
Жаҳонгирнинг набираси, замон султони».
Эгам фалак ҳавасини кўнглимга солиб,
Ер ташвишин осиб қўйди икки елкамга.
Орзу каби юлдузларга талпинар юрак,
Оёғидан тортар лекин ернинг ғамлари.
О, бу ғамлар ҳар қандайин уқпар қанотни
Қодирдирлар айлантормоқ учун темирга!
Авлодларим, болаларим, набираларим,
Зинҳор мени қўрқоқликда айбламагайсиз.
Токи ният эмас эди ташвишдан қочмоқ,
Токи ният эмас эди ғамсиз яшамоқ.
Ташвишларсиз даврон сурмоқ бўлсайди ният,
Унда менинг султонлигим қайга борарди!
Менинг икки мамлакатим бор эди асли,
Бирин — ерда, бирин — сўнгсиз фазо қўйнида.
Менга тобе фуқаро ҳам икки хил эди:
Бирин инсон дер эдилар, бирини — юлдуз.
Гар кўнглимнинг ярмисини фалакка бердим,
Бундан мурод — узмоқ эмас ердан оёқни,
Мен ердаги фуқаромни кўкка кўтариб,
Юлдузларни тақмоқчийдим пешонасига.
Одам зоти эл бўлмаини одам зотига,
Нафс — ҳокими мутлоқ бўлган ушбу замонда
Ўз ҳолинга қўярмиди лекин одамлар!
На севгани қўяр улар, на севилгани.
Туйгуларни майса каби тепиб, топтарлар,
Эзгулиқни жуйдирарлар риё ўтида!

«Одамларга юрагимдан ҳарорат бериб,
Эвазига олдим фақат совуқ ғаразлар».
Фуқаромни яқдил кўриш иштиёқида
Салкам эллик йил жонимни жабборга бердим.
Лекин; афсус, завол топди қилган меҳнатим,
Лекин, афсус, кўролмадим орзум мевасин.
Номусини, имонини, гар керак бўлса
Отасини тикканлар бор салтанат учун.
Ушалар бор — ҳосил бўлмай қолди муродим,
Ушалар бор — бундан сўнг ҳам шундай бўлади...
...Мен ҳар қалай бор умримни яшаб кечирдим,
Мадрасалар қолди мендан, қолди жадваллар,
Ойим қолди — бут бўлмаган кўнглим тимсоли,
Юлдузларим — ҳасратларим қолдилар мендан.
Бари қолди. Мендан қолди. Мендан хотира.
Изим бўлиб. Яшаганим гувоҳи бўлиб.
Бари қолди. Битта юпанч олиб кетдим мен:
Ҳали замон, замон ўтиб, келар бир замон,
Ҳоким бўлар, мутлоқ ҳоким бўлар адолат.
У замонда армонларим тарқалар менинг.
Авлодларим, болаларим, набираларим
Менинг кемтик муродимни бутун қилгайлар.
Қўлларини кўкка чўзиб, мева тергандай
Юлдуз териб улашарлар ҳар бир инсонга.
Ва зимистон юракларнинг қаваклари ҳам
Ойдинлашар қўйиндаги юлдуз нуридан.
Бу юпанчим — сўнгги орзум, абадий орзум.
Ушалмоғи — сизга боғлиқ, набираларим...

Мен — Улуғбек Мирзодурман...

1976

* * *

(Этюд)

Юксакликка қараб ўрмалайдн йўл,
Мен ҳам ўрмалайман унга эргашиб.
Эгилиб, букилиб кўтарилар ул,
Борар тўқсон яшар чолдай энгашиб.

Юксакликдан ортга боқаман энди:
Йўл ўзгача тамом, чарчоқ унга ёт.
Боладай ўйноқлаб, югурар, мени
Юксакликка олиб чиққанига шод.

1970

ШЕЪРИЯТ МАЛИКАСИ

Назмixonга

Шеъриятга даъвогарлар қанча кўп бўлса,
Маликалик даъвогари ҳам шунча кўпдир.
Бирисининг алиф каби қадди хўп бўлса,
Бирисининг эса хумор кўзлари хўпдир.

Бирини гўзал, бирини дилбар, бирини доно,
Бариди ҳам маликалик хислатлари, бор.
Биронтаси ҳам малика бўлмас аммо,
Маликалик шартларини бажармоқ — душвор

Шеъриятга ўхшамоғи шартми малика,
Кўп нарсани қилмоғи шарт ўзда мужассам.
Жасурликни, ҳалолликни, покизалик ва
Гўзалликни, дилбарликни, доноликни ҳам.

Шеъриятга ўхшамоғи шартми малика,
Демак, унинг ўзи Назми бўлмоғи лозим.
Шундагина чиқиб унинг истиқболига,
Дўппиларни бошдан олиб, қиламиз таъзим!

1976

* * *

Ҳадеб қарайверманг ойнага, хоним,
Кафилман, ҳуснингиз кетмайди қочиб.
Атрофга ҳам боқинг, кўринг дунёни,
Боқинг қабоқларни каттароқ очиб.

Атрофда ҳаёт бор. Унинг қўйнида
Бахт ва гам, оқ-қора, йироғу яқин.
Фақат ўзингизни кўриб ойнада,
«Дунё — мен ўзимман», деб юрманг тагин...

БЕМОР УҒИЛ БОШИДА ОНА ЛИТГАН ҚУШИҚ

(Расул Ҳамзатовдан)

Майли, уйга тўлсин тамаки иси,
Майли, май ичсанг ҳам бўза ичсанг ҳам.
Майли, мен кампирга раҳминг келмасин,
Фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам!

Майли, олис юртга чиқиб кет уйдан,
Менга у томондан хатлар ёзмагин.
Майли, қайси қизга хоҳласанг уйлан,
Ва бевалар билан билганингни қил!

Ардоқлаб ўстирдим сени ғунчадек,
Кўксим ҳароратин бердим бир олам.
Майли, ич, лаънати тамакини чек,
Фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам!

* * *

Қизалоқ эди у жажжи ва ширин,
Қийғоч киприклари — умридай узун.
Ҳали билмас эди ҳаёт нелигин,
Яшар эди ота-онаси учун.

Йилларга тирмашиб ўсаверди у,
Ҳуснига қўшилди тобора ҳусн.
Секин ўзлигини таниб олди-ю,
Яшашга бошлади у ўзи учун.

Кейин... она бўлди. Ўзин унутди.
Парвона бир парча этга туну кун.
Шу жажжи гўдаги энди ҳаётдир,
У энди яшайди фарзанди учун.

1971

ФАРЗАНДЛАРИМ

(Туркум)

Муборак

Айрилиқ нимадир — тушунмайсан сен,
Унинг моҳияти сен учун ётдир.
Айрилиқ — ҳар кунги оддий нафасинг,
Айрилиқ — сен учун оддий ҳаётдир.

Ахир, йўқолмаган ҳеч нарсанг сенинг,
(Бор бўлса, эҳтимол, йўқотардинг, ҳа!)
Йўқотар нарсанг-ку, йўқ экан, энди
Топар нарсанг бўлсин улғайганигда...

Марварид

Сен ҳали ухлагин, ухла, қизалоқ,
Ун уч кунликкина ёшдасан ҳали.
Сендан ҳали йироқ, жуда ҳам йироқ
Серғалва дунёнинг ташвиш, ишлари.

Сен на бир куласан, на гап биласан,
Ягона билганинг йиғидир бу дам.
(Мунча тез ўрганар йиғлашга инсон,
Ўрганар туғилган кунидан!)

Сен ухла,
Ҳозирча ухлаш сенга тан.
Сенинг истиқболинг қайғуси — бизга.
Мана, ўтирибмиз мен билан онанг
Дардларни билмаган бошгинанг узра.

Мен сенга ойдин йўл ваъда қилмайман,
Ўз йўлини ўзи ёритар ҳар ким.
Сен фақат улғайгин, фақат улғайгин,
Кўзларингда ёисин баҳорги чақин.

Мен сенга бахтни ҳам ваъда қилмайман,
Бахт ахир курашлар сўнгидаги гап,
Сен фақат улғайгин, фақат улғайгин,
Умринг курашларни ўтмасин четлаб,

Сен ҳали билмайсан, бу олам аро
Камалакдай рангдор юрт борлигини.
Унинг нигоҳларга қутқу солароқ
Ўзбекистон дея номдорлигини.

Сен ҳали билмайсан, бу олам аро
Бир халқ бор — меҳнаткаш, ҳалол, покиза.
Бизнинг ҳаётимиз шу халққа фидо,
Қўшиқларимиз ҳам шу халқ ҳақида.

Сен ҳали билмайсан — бу кўҳна дунё
Ажрим қилинмаган ўлжадай талаш.
Гоҳ маслак баҳона, жиғилдон гоҳо,
Гоҳида — бариси аралаш.

— Она! — дейсан ҳали тилинг чиққан кун,
— Нон! — дейсан қўлингни чўзганча, гўдак.
Сен ҳали билмайсан, шу она учун,
Ва ҳалол нон учун курашиш керак.

Бир кун муҳаббатга бўларсан тутқун,
Бир кун сархуш этар бир бойлам чечак.
Қатта муҳаббатнинг соғлиги учун,
Бир бойлам гул учун курашиш керак.

Вужудинг эгаллар яна бир туйғу,
Шу туйғуда тепар бир умр юрак.

Ватап туйғуси бу, олий туйғу бу
Ватап учун яшаш, курашиш керак.

Ҳали ечилмоққа муҳтож кўп тугун,
Ечилмоғи эса осон гап эмас.
Курашларда чалғиб кетмаслик учун
Сен фақат даврингга фарзанд бўлсанг бас.

Уфқда ловиллаб ёнар бир ёлқин,
Уша ёлқин сари талпинар дунё.
Сен ҳам улғайгини уфққа талпин,
Уша ёлқинни эт юрагингга жо.

Уша ёлқин бўлсин умрингга безак,
Узинг ён, ўзгалар юрагини ёқ.
...Лекин энг аввало улғайиш керак,
Сен ухла,
Омон бўл,
Улғай қизалоқ.

Анвар

Мен нону насиба деб йироқларда юрардим,
Гоҳо хитоб, гоҳида сўроқларда юрардим,
Оҳанг излаб қофия, тууроқларда юрардим.

Дунё қизиқ: қайдадир қизиган бозор эди,
Қайдадир бўёқлар кўмилган баҳор эди.
Қайдадир... умидини йўқотган бемор эди.

Кураш дея англонар эди ҳаёт деган сўз,
Кураш демак—ё бунёд, ёки барбод деган сўз,
Уртада — гоҳ жигилдон, гоҳ эътиқод деган
сўз...

Ушбу тасвирда эдик сен дунёга келган он,
Ушбу тасвирни сенга этмоқдаман армуғон.
Уни мукамал этмоқ—сенинг бурчинг,

болажон...

Аҳрор

Ҳамма нарсадан катта ҳақиқат...

Ҳамма нарсадан катта ҳақиқат.

Ҳамма нарсадан катта ҳақиқат.

Ҳамма нарсадан катта ҳақиқат.

Шоҳидман: йўқ ҳақиқатдан ўзга оллоҳ.

Шоҳидман: йўқ ҳақиқатдан ўзга оллоҳ.

Шоҳидман: биз ҳақиқат элчисимиз.

Шоҳидман: биз ҳақиқат элчисимиз.

(Оллоҳ ҳақиқат бўлгач,

Муҳаммад сену мен-да).

Унг қулоғинг билан эшит,

Сўл қулоғинг билан эшит.

Ҳақиқат каттадир ҳамма нарсадан.

Ҳақиқат каттадир ҳамма нарсадан.

Йўқдир ҳақиқатдан ўзга оллоҳ.

Сенинг исминг Аҳрор,

Сенинг исминг Аҳрор.

Ҳақиқатнинг қули бўл,

Ҳақиқат жарчиси бўл.

(Ҳақиқатда гап кўп:

Ризқ,

Номус,

Виждон,

Муҳаббат,

Гул,

Нон,

Ҳақиқатда гап кўп,

Ҳамма гап ҳақиқатда).

Умринг сўнгига қадар

Баланд кўтариб ўтгин —

Ҳақиқат байроғини.

Малика

Сен ўз оламингда бандсан, қизалоқ,
Ишинг жуда кўпдир, вақтинг жуда зиқ.
Оламинг мен учун сирли бир жумбоқ,
Эшиқлари эса тақа-тақ ёпиқ.

Сенинг оламингга талпинаман мен,
Сирларидан огоҳ бўлай деб алҳол.
Барча ҳаракатим беҳуда лекин,
Ягона имконим — тахмину тусмол.

Ранглар бўлса керак унда беқиёс,
Бизнинг тасаввурга ҳам сиғмас ранглар.
Ҳам тишиқ, ҳам қуюқ, ҳам тоза, ҳам хос,
Пўқдир сунъийликдан заррача асар.

Уша рангларга мос туйғулар бордир,
Ифор гуллар бордир майин, бетикан.
Ширин тушлар тўла уйқулар бордир,
Яна кўп нарсалар — мен билмайдиган.

Биз ҳам эмасмиз-ку унчалар қақишоқ,
Бизнинг оламда ҳам кўп нарсалар бор.
Улар ўз аслини йўқотган бироқ,
Исми билан жисми мос келмас зиёҳор.

Биз ақлли бўлиб кетганмиз жуда,
Ҳар қандай рангни ҳам ясаб ташлаймиз.
Заҳар яширамиз кулги ичига,
Гулнинг тиканни парваришлаймиз.

Биз кимё илмининг усталаримиз,
Уни бунга қўшсак — маҳсулот тайёр.
Мана сенга туйғу, мана сенга ҳис,
Мани сенга меҳр, мана ифтихор.

Бу олам мураккаб, сирларга тўлиқ,
Донм икки қутб турар ёнма-ён:
Ниҳол билан болта, ҳавас билан ўқ,
Мунофиқлик билан ёнма-ён имон.

Хуллас, айтаверсам, гаплар жуда кўп,
Ўуларнинг барини кўрарсан ўзинг.
Ҳозир оламингда ўйна қониқиб,
Табий рангларга тўйиб ол, қизим.

Кейин бу оламга қўйганда қадам,
Бизнинг хатоларни такрорлама сен.
Кириб келгин барча бисотинг билан,
Уни табиийлик билан бойитгин.

Гарчи олға томон интилиб яшар,
Ортга армон билан боқади одам.
Бўғзига келганда ёлғон-яшиқлар,
Болалигин қўмсаб қолар дунё ҳам.

Унини болалиги — бир рўё эмас,
Бизнинг болаликка ўхшаган бир гап.
Унга ҳам бегона ҳасад ва ғараз,
Унга ҳам тўғрилиқ, ҳалоллик керак.

Болалик софлиги нодир нарсадир,
Болалик софлиги умрлик зиё.
Болаликдан кўпроқ нарса олиб кир,
Сен туфайли бир оз яшарсин дунё.

Абдулла

Бола юрар дерлар ота изидан,
Той юргани каби отнинг изидан.
Измдан юришинг, чамаси, аниқ:

Чилланг чиқмасданоқ олгансан таниб,
Изимдан юрмоқчи бўлсанг, юра қол.
Фақат қулоғингга шуни қуйиб ол:
Ибрат бўларлик-ку, томонларим бор,
Лекин хатоларим ҳам, ўғлим, бисёр...
Уларни кўролгин, бўлганда йигит
Менда тўхтаб қолма, нари ўтиб кет...

1980

ИССИҚҚУЛ МАНЗАРАЛАРИ

(Туркум)

Иссиққул

Иссиққул турибман сенга юзма-юз,
Битта сен, битта мен, ўртада зот йўқ.
Сатҳингни қамрашга нигоҳим ожиз,
Чиндан улуғворсан, чиндан ҳам буюк.

Табиатинг ювош, мавжинг ҳам майин,
Пойимга беозор бош қўясан сен.
Ахир, эганг қирғиз бўлгандан кейин
Табиатинг ювош бўлмай на қилсин!

Гоҳида оқ ёлли тўлқинларинг бор,
Тойчоқдай ўйноқлаб қилишар пойга.
Бунн англамоқ ҳам эмасдир душвор:
Ҳаёт сўнар ахир тугён йўқ жойда!

Сен эса ҳаётсан минг йиллар оша,
Тургунг ҳали дунё тургунга қадар.
Фақат асрим сенга шафқат айласа,
Асрим сени ичиб қўймаса агар!

Бу гапим шаккоклик эмасдир асло,
Мен ҳам шу асрнинг бир фарзандиман.
Лекин бериб бўлмас ўзгача баҳо,
Ўйнашиб бўлмайди ҳақиқат билан!

...Қайга қочиб кетди ўйларим менинг,
Ўзим-ку турибман рўпарангда лол?!
Ҳа, сен маконисан фикр, туйғунинг,
Сен яна хаёлсан, бепоён хаёл!

Нега қиёфанга чўкиб қолди мунг,
Нега ёпди қора чодирин қайғу?
Бепоемлиқ даъво қилмоғинг учун
Тўсиқ бўлган тоғлар залворими бу?

Тақдиринг ғалати, Иссиқкўл, чиндан:
Гирди теварагинг тоғ дуркун-дуркун.
Улар сенга ҳаёт бергани билан
Иўлингни ҳам тўсиб қўйган-да бутун!

Балки шунинг учун урарсан туғён,
Узингга йўл очиб олмоқчидирсан?
Эркдир қалбингдаги энг буюк армон,
Бошқалардай денгиз бўлмоқчидирсан?

Чорасиз кўринар аҳволинг гарчанд,
Хайрихоҳликларим, билгил, сенгадир!
Зое кетмагай-ку ҳеч бир ҳаракат,
Ажрсиз қолмас-ку ҳеч нарса ахир!

Қичрайиб борарсан гарчи йилма-йил,
Туғёнинг бирор дам тинмайди лекин.
Денгиз бўлгинг келар, очгинг келар йўл,
Тақдирга тан бермоқ истамайсан сен.

Мана шу туғёндир сенинг қудратинг,
Бу қудратга асло бўлмагай завол.
Армонсиз денгизлар келмас сенга тенг,
Улар ҳавас қилар сенга, эҳтимол!

Видо чоғи энди, таъзимда бошим,
Армонинг, туғёнинг билан омон бўл.
Доимо ниятинг бўлса йўлдошинг,
Денгиз бўлажаксан бир кун, Иссиқкўл!

Олисдаги чироқ

Олисдаги чироқ, борингга шукур,
Ҳориган йўловчи учун умидсан.
Менга ҳам ҳаёт бахш этдинг неча қур,
Жоним чиқсин агар буни унутсам!

Олисдаги чироқ, лекин сен бугун
Менинг юрагимни умид эмас, йўқ —
Ғуссага ғарқ этиб қўйдинг-ку бутун,
Ғуссаки — уммондай бепоён, буюк.

Олисдаги чироқ, айт, нима учун
Бугун чорламадинг мени олдингга?
Орқага итқитиб ташладинг нечун?
Сен ота уйимни солдинг ёдимга.

Олисдаги чироқ, сен у маҳаллар
Она хонадонда порлаб турардинг.
Мен санқи тентираб, ҳолдан тойсам гар,
Милтиллаб, куч бериб, чорлаб турардинг.

Олисдаги чироқ, у пайт бой эдим,
Бор эди ёшлигим ва ҳамма нарсам:
Топинар масканим — қадрдон уйим,
Сигинар одамим — отам ва онам.

Олисдаги чироқ, булар ҳаммаси
Ўтмиш бўлиб кетган энди мен учун.
Ўзга хонадонда милтиллайсан сен,
Ўзга манзилларга чорлайсан бугун.

Олисдаги чироқ, мунгли хотирот...
Қайғу-ғуссага ғарқ бўлса-да бир қур,
Одам ўтмиш билан яшамас бироқ...
Олисдаги чироқ, борингга шукур!

Соҳилда жимгина ўлтирар бир чол,
Пойига урилган тўлқинга қараб.
Тийра кўзларида фарис бир хаёл,
Тийра кўзларида ҳайрат ва ажаб.

— Дунё кўрмаганга ўхшайсиз, ота,
Ҳайратга тушибсиз заиф тўлқиндан.
Шодсиз, гўё топиб олгандай олтин,
Шунга ҳам шунчами! — сўрайман ундан.

— Дунё кўрдим-ку, деб айтолмайман, ҳа,
Денгиз қудратини кўрганман бироқ.
Неча бор чиққанман яккама-якка,
Энди у — хотира, олис ва порлоқ...

Мана энди кучдан қолган бу кунда
Рост олтин топгандай қувонганим ҳам.
Сен писанд қилмаган заиф тўлқинда
Денгиз қудратини кўряпман, болам!

Иссиққўл манзараси

Эрталаб туриб
Ташқарига қараганингизда
Хў узоқларда,
Уфқда
Бир қора чизиқ билан иккига бўлинган осмон
Шундоққина деразангиз тагига келиб турган
бўлса,

Билингки,

Бу —

Соҳилда тунаганингиз бўлади.

Гоҳ яшил,
Гоҳо кўк,
Гоҳ бинафша рашгида товланиб,

Қўкка ўрлаб кетган майсазор қирда
Оппоқ-оппоқ,
Сон-саноқсиз қўзичоқлар
чопқиллаб юрган бўлса—
Қўлда довул тургани бўлади.

Қўзичоқлар қўрасига қайтиб кетган,
Майсазор сатҳи теп-текис,
Унда тенгсиз бир чирой
Илиққина мавжланиб турган бўлса —
Довулнинг тингани бўлади.

Соҳилда

Ерга нозиккина қозиқчалар қоқиб,
Шу қозиқчаларга боғланган илнинг
Сувга чўккан жойини чамалаганча,
Уша жойдан кўзини узмай ўтирган
Тунд ва асабий,
Турфа-турфа одамлар —
Бир содда қирғизнинг айтганидай,
Икки кило этга пул тополмаган
Ялқов,
Ёки шу пулни иқтисод қилмоқчи
бўлган
Қурумсоқ,
Яъни
Балиқчилар бўлади.

Узоқда

Оппоқ баҳори буғдойнинг хирмони;
Уша хирмондан
То оёғингиз остигача
Мўл тўла буғдой сочилиб ётиб,
Кумушдай жимирлаб,
Кўзингизни олса —
Ойнинг терак бўйи кўтарилгани бўлади.

Нимадир:

«Шалоп!» этиб

Сукунат қўрғонига ўқ отса,

Балиқнинг

«Ёруғ оламни кўрай-чи,

Ҳаёт қандай экан?» деб

Сув сатҳига қалқиб чиққани,

Кейин

Бу ҳаётдан унча кўнгли тўлмай,

Ўз мулкига қайтиб кетгани бўлади.

Қайдандир,

Буталар орасидан

Шодон бир қийқириқ эшитилса —

Ишдан,

Оиладан,

Бурчдан,

Масъулиятдан,

Муҳаббатдан

чарчаб,

Ҳаммасини унутиб,

Ҳаммасидан ҳордиқ олгани келган

Бир ҳафталик,

Икки ҳафталик,

Боринги,

уч ҳафталик

Ҳақиқий ошиқ-маъшуқларнинг

Висолнинг оташ оғушида

Лаззатли,

Бебаҳо,

Ғанимат дамларни

Кечираётгани бўлади.

Қўнғилиғиз

Нималаргадир талпинса,

Нималаргадир орзиқса,

Хаёлингиз

Сувнинг ўзидай тил-тўниқ,
Унинг сатҳидай бепоён бўлса,

Юрагингизни

Салқини бир эҳтирос,

Ойдин бир ғусса қамраб олса —

Кўлнинг

вужудингизга сингиб кетгани,

Энди у

Сизнинг жисмингизга,

Сизнинг туйғуларингизга

Айлангани бўлади.

Шуларнинг ҳаммаси жамланса —

Иссиққўл дегани бўлади.

МУҲАББАТ

Мана сенга бир пиёла май,
Уйқудан ҳам ширин, тотлироқ.
Ҳали туғилмаган бўсадай,
Атиргулининг гунчасидай пок.

Бахт учун деб ол уни қўлга,
Бахт учун деб смир, қаламқош.
Аёф эт, агар тахирроқ бўлса,
Тоғиб кетган бўлса томчи ёш...

1969

* * *

(Ҳазил)

Саф-саф бўлиб ўтар қизлар,
Куйдиради кўзларни.
Оҳ, бу кўзлар, тўймас кўзлар,
Улдиради бизларни!

— Қайгу надир кўзлар учун, —
Дерсиз, — юрак турганда?
Юрак, ахир, минг йил бурун
Куйиб, адо бўлган-да!

1976

* * *

Таманнолар ўша-ўша: хумор-хумор,
Бахтиёрлик тамғаси бор ол ёноқда.
Лаблардаги табассумнинг кибор-кибор,
Лекин булар бари сохта, бари сохта!

Қаҳқаҳангдан дарз тушади самоларга,
Етти ётдай юрагингга андуҳ, армон.
Туғилгансан гўё фақат адоларга...
Лекин булар бари ёлғон, бари ёлғон!

Биламан-ку, ҳолинг сенинг кўп афтода,
Биламан-ку, ҳар бир кулгинг неларга тенг!
Ёлғон агар бўлмасайди бу дунёда,
Тўйиб-тўйиб йиғлар эдинг, йиғлар эдинг!

Қаён юрма — йўлларингда тураман мен,
Ёнлаб ўтай дейсан — ёнлаб ўтолмайсан.
Тутиб олай дейсан — қўлинг етмас лекин,
Тутолмайсан, тутолмайсан, тутолмайсан!

Қачонлардан тақдирингда яшайман-ку,
Отай дейсан улоқтириб — отолмайсан.
Қачонлардир йўқотгансан, энди мангу
Излайсану тополмайсан, тополмайсан!

Гарчи сархуш кўринсанг ҳам сохта бахтдан,
Кўзларингда чўкиб. ётар буюк қайғу.

На йиғлайсан, на куласан чин юракдан...
Муҳаббатнинг қасоси бу, қасоси бу!

Бардошингга ҳамду сано, олқиш сенинг,
Мардопавор етиб келдинг шу онгача.
Лекин ахир тугаши бор ҳар нарсанинг,
Чидаркинсан қачонгача, қачонгача!

1979

* * *

Умримизда бир маёқдир,
Жонимиздан азизроқдир,
Лекин зилдир, зил бир тоғдир
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Қилоламан на мен хитоб,
Бероласан на сен жавоб,
Сенга азоб, менга азоб
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Сенга қийин, менга қийин,
Ололмаймиз бир лаҳза тин,
Чирпиратар мисли қуюн,
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Юрагингда ҳадик, ҳайҳот,
Кўзларингда ўтинч, фарёд,
Таъқиб этар мисли сайёд
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Аслида-ку, қочмоқ нечун?
Нажот йўли беркдир бутун,
Охир бир кун қилар тутқун
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Сохталикка буриб юзни,
Узимиздан қочамизми?
Тўғри таъқиб этар бизни
Сен билган сир,
Мен билган сир.

Гар бенаво муҳаббатдир,
Гар аламдир, гар кулфатдир,
Узимизнинг мулк-ку ахир
Сен билган сир,
Мен билган сир.

1979



(Ҳазил)

Хотин жонга тегади
Яхши-ёмони билан.
Гоҳо тўғри сўзи-ю,
Гоҳо ёлғони билан.

Болаларни гоҳ суйиб,
Гоҳ ургани учун.
Гоҳида йиғлагани,
Гоҳ кулгани учун.

Атрофингда парвона
Бўлавергани билан,
Иссиқ-совуғнинг тайёр
Қилавергани билан.

Кўнглингнинг истагини
Билолмай турганинг дам,
Сен учун ҳам шу истакни
Билмагани учун ҳам.

Гоҳо иссиқ овқату
Совуқ қилиқлигидан,
Гоҳо сўзи иссиғу
Чойнинг совуқлигидан,

Гоҳ рашк қилса, гоҳида
Рашк қилмагани учун,
Оз пулингни кўп қилиб
Харж қилмагани учун.

У шунчаки хотиннинг
Бўлганлиги учун ҳам,
Жонга тегади ахир,
Тўйиб кетади одам!

Не қилишни билмайсан,
Жонинг келар бўғзингга.
Қочиб кетгинг келади
Ҳеч бўлмаса бир кунга!

...Мана, бугун хотин йўқ,
Ҳеч ким гашига тегмайди.
Лекин бирон нарсага
Шайтон бўйин эгмайди.

На иштаҳа, на ҳавас,
Тортмайди кўча-кўй ҳам.
Ҳувиллаб қолди бирдан
Мана кўнгил ҳам, уй ҳам...

Бўлмаса бўлмас экан
Ҳар бир уйда бир чироқ.
Тезроқ кела қол, хогил,
Жонга тегақол тезроқ!

1979

ОДАМЛАРНИНГ МЕНГА МУНОСАБАТИ

Гар сапоқли бўлса-да, беш-олтита дўстим бор,
Уртадаги меҳрга ҳамма қилади ҳавас.
Лекин улар эл аро мақташмас мени зинҳор.
Андиша деган гап бор — мақташи мумкин эмас.

Ўзимга ярашалик душманам ҳам бир талай,
Упишиб кўришамиз — гўё адоват абас.
«Ёмонсан» деган сўзни меҳри эмас ҳар қалай,
Номардлиги туфайли айтиши мумкин эмас.

Мени яхши кўради бу дунёда бир аёл,
Лайли-ю Зухролар ҳам унга келолмагай бас.
Лекин «Яхши кўраман» деёлмайди бемалол,
Сабабини биласиз... Айтиши мумкин эмас.

Бошқа эшитган барча яхши-ёмон гапларим
Уринсам-уринмасам — қизиқтирмайди зарра.
Дўстим ҳам, душманам ҳам, сўнгра... ўша
дилбарим
Менга муносабатин айтса дейман баралда.

1979

ИҮЛ БҮЙИДАГИ АЁЛ

Иўл бўйида

Иўл бўйида бир тўп аёл,
Гап бозори қизигап.
Аёлларнинг гап бозорин
Кўргандирсиз, эҳтимол:
Бунда асло харидор йўқ,
Ҳамма сотиш билан банд.
Шундан балки нархи наво
Тўкинчилик, бемалол...

Иўл бўйида бир тўп аёл,
Лабларга тегмайди лаб.
Ўзлари хон, ўзлари бек,
Ўзлари марди майдон.
Ўйинқароқ болалари
Чуғурчуқдай чуғурлаб,
Ҳар замонда бу бозорни
Бузиб турар ногаҳон.

Иўл бўйида бир тўп аёл,
«Элакка чиққан» бари.
Ким мактабдан ўғлин кутар,
Ким юмушдан эрини.
Бир-биридан муҳимроқдир
Барчасининг гаплари,
«Ҳал қилишар» улар шу дам
Оламнинг тақдирини.

Иўл бўйида бир тўп аёл..
Кимдир келди, кимдир — йўқ.

Пода ўтди. Чуғурчуқлар
Орқасидан югурди.
Адо бўлмас гапларига
Цонлож нуқта қўйиб,
Аёллар ҳам бири-кетин
Ўринларидан турди.

Иўл бўйда бир тўп аёл,
Тарқаб кетди бир зумда.
Боласини қучганича
Қолди фақат биттаси.
У кундузми, тунми демас,
Бўрондами, қуюнда —
Боласини қучганича
Тураверар муттасил.

Ииллар ўтар ва асрлар...
Келмас асло кутгани.
Улар ахир учрашганлар
Мангулик масканида.
Лекин унга писанд эмас
Асрларнинг ўтгани,
Тураверар боласини
Бағрига босганича...

Бу аёлнинг таърифини
Қилиб бўлмас бир сўзда.
Ушалмаган борзудир у.
Висол кўрмас ҳижрондир.
Кўз ёшидир қотиб қолган
Осмондаги юлдуздай,
Сўзсиз, сўнгсиз туғендир у,
У — тош қотган армондир.

У мангуга сукут сақлар,
Лекин асло гунг эмас.
У ҳайҳотдир, у фарёддир,

У урушга лаънатдир.
У бепоен бир қайғудир.
Лекин асло мунг эмас.
У даъватдир. Бронзага
Айланган бир даъватдир.

Туриб унинг қаршисида
Тилга эрк бермоқ — гуноҳ.
Бунда унинг ўзи каби
Сукут сақламоқ лозим.
Фақатгина хаёлларга
Эрк берса бўлар бу чоқ,
Ҳеч тўхтатиб бўлмас ахир
Хаёлларнинг парвозин.

* * *

Кўнглим чорбоғига куз ҳоким бугун,
Умид япроқларин ерга тўшаган.
Шодлигим қайдадир тентирар юпун,
Шодлигимни излаб йўлга тушаман.

Уйлардай эшилиб ётади йўллар,
Йўллар қамраб олган бутун дунёни.
Мени қайларгадир элтмоқчи улар,
Мен-чи, шодлигимни излайман ёниб.

Бугун анҳорда ҳам ҳасрат тошқини,
Куйлайди соҳилда бир қиз паришон.
У балки... У балки ўйлайди мени,
Мен-чи, шодлигимни излайман ҳамон.

Қайдадир кудгига самовот тангдир,
Қайдадир соғинчдан ингранадн най.
Қайдадир тўлиқиб йиғлайди танбур,
Мен-чи, шодлигимни излайман тинмай.

Юксакдан юлдузлар мўлтирар унсиз,
Пастроқда томчи ёш турар муаллақ.
Ой нурида музлаб қолибди, эссиз...
Мен эса шодликни қидириб ҳалак.

Кипригин кўтарар мудраган уфқ,
Менинг киприкларим юмилар секин.
Япроқлар тўкилиб тугагани йўқ,
Шодлигимни излаб тинганим йўқ мен...

Оила

Триптих

I

Дастлаб икки киши эди улар,
Топганини еб-ичишарди.
Тунларини тонгларга улаб,
Бахт ҳақида фол очишарди.

Кунлар узун эди, жуда узун,
Гўё кунлар эмас, асрлар эди.
Кунлар ҳижрон эди улар учун,
Улар кўпроқ тунни қадрлар эди.

Лекин тунлар... Ожиз, ҳимоясиз...
Ахир, тун нафасдай қисқа бўларми!
Бир-бирига тўяй деганда, эссиз,
Ажратиб кетарди уларни.

Яна ҳижрон. Кунни бўйи ҳижрон.
Малҳамни меҳнатдан топнишар эди.
Кундуз изини тунга бергани он
Бир-бирини васлига чопишар эди.

Қучоғи бир дунё эди унисининг,
Йўқ бўлиб кетарди буниси.
Бўсаси ўт эди бунисининг,
Ўт бўлиб кетарди униси.

Олам унутилар эди бутун,
Ўзи олам эди ишқ деган тилсим.
Шундай ўтгач, айтнинг, бечора тун
Нафас каби бўлмай на қилсин!

Ҳаёт кечар эди шундай беғам,
Ҳар хил ташвишлардан холи эди.
Уларнинг ягона ташвиши ҳам
Бир-бирининг висоли эди.

Қараб турармиди умр-югурик!
Тунга теккизмасак бўлар экан тил,
Кўз очиб-юмишга улгурмай туриб
Ўтиб кетди ҳаттоки бир йил.

II

Улар аввал икки киши эди,
Мана энди эса — уч киши.
Бошларига ёғилди энди
Бутун бир дунёнинг ташвиши.

Гуё илгариги туйғулар — абас,
Бир-бири билан гуё йўқ иши.
Бир-бири ўйинга бир-бири эмас,
Ҳокимдир энди у учинчи киши.

У бир оҳанрабо,
У бир оҳанрабо —

Унга талпинади иккаласи ҳам.
У бир ўзга дунё,
У бир ўзга дунё —
Унга топинади иккаласи ҳам.

У ўз қадрини жуда яхши билар,
Эътибор, дер фақат, фақат эътибор.
Овқат келдими — бас, хархаша қилар,
Тонггача уйқуни бузар неча бор.

Пингилари, унинг хархашалари...
Бундан ҳам ширинроқ нарса бўларми!
Тобора авжига чиққани сари
Бахтиёр қиларди уларни...

Дастлаб икки киши эди улар,
Топганини еб-ичишарди.
Тунларини тонгларга улаб,
Бахт ҳақида фол очишарди,

Мана — Бахт! Рангларда тўладир олам,
Энтиқиб кетади киши... ғалати...
Ифодалаб бўлмас буни сўз билан,
Бўғзингда тикилиб қолади...

...У ҳали дунёнинг нелигин билмас —
Гар бир парча этдир, беташвиш, беғам.
Шу яқин орада туғилган эмас,
Таржиман ҳоли бордир унинг ҳам.

У бундан беш-олти йиллар муқаддам
Икки юрак аро тушган нурли йўл.
Уларнинг ороми, тинчин йўқотган,
Ҳали оқибати мавҳум, сирли йўл.

У — ўша икки қалб то тонгга қадар
Банди бўлган хаёл, қочиб юрган хоб.

Ойдин тунлардаги исмсиз бир дард,
Сиёҳ тунлардаги ойдин изтироб.

Сўнг серҳадик шивир, аққимтир бўса...
Сўнгра қайноқ оғуш, маст қилғувчи бахт.
Сўнгра иссиқ, серфайз, чарогон гўша...
У — соғлом, покиза, жонли муҳаббат!

...Улар аввал икки киши эди,
Мана энди эса — уч киши.
Бошларига ёғилди энди
Бутун бир дунёнинг ташвиши.

О, ташвишлар, уларнинг бошига
Нур ёмғири бўлиб ёғилаверинг!
Қувонч улаб фақат қувончига,
Уларни фарқ қилиб ёғилаверинг!

III

Аввал икки киши эди улар,
Топганини еб-ичишарди.
Тунларини тонгларга улаб,
Бахт ҳақида фол очишарди.

Кейин улар уч киши бўлди.
Қўнгилларда — қуёш. Чарогон...
Нурга тўлди, бахтга тўлди,
Ҳароратга тўлди хонадон.

Лекин... тундан нолиб ўтирибмиз,
Йилдан нолиб ўтирибмиз-а!
Табиатнинг номардлигин биз
Билмай қолиб ўтирибмиз-а!

Номард бўлмасайди у агар,
Нимта қилиб инсон кўнглини,

Капалакнинг умрига қадар
Кесармиди бахтнинг умрини!

Муқаддас уруш

Василлий Лебедев-Кумачдан

Бепоен юрт, қани, қўзғал,
Ҳалокатли жанг сари.
Босиб келди қора қузғун —
Фашист очофатлари!

Қани, шиддат, қани, ҳайқир,
Тўлқин бўлиб қайна, жўш —
Халқ уруши кетмоқдадир,
Муқаддас уруш!

Эзгуликка кафан бичган
Уша ёвуз оломон,
Одамларнинг қонин ичган
Ғаним топмасин омон!

Юрт самоси узра бирон
Калхат чаппор урмасин,
Далаларни этиб пайҳон,
Душман эркин юрмасин!

Ул газанда ҳаромини
Урайлик, маҳв этайлик!
Тўғрилайлик суробини,
Уруғин қуритайлик!

Қани, шиддат, қани, ҳайқир,
Тўлқин бўлиб қайна, жўш —
Халқ уруши бормоқдадир,
Муқаддас уруш!!!)

...Шундай қилиб, бари тугади...
Бахт тошқини, қуёшли даврон...
Унаси қиронга жўнади,
• Хувиллади-қолди хонадон.

• Энди кунмас, дақиқалар аср,
Ҳар бири таҳлика билан тўладир,
Кун бўйи гўдағини бағрига босиб,
Бунисининг кўзи йўлдадир.

Шу тахлитда ўтаверар вақт.
Бир йил... Беш йил... Қирон ҳам тугар...
Униси уйига қайтмайди фақат,
Буниси... ҳамон йўл бошида турар...

Чиндай деб асрлар имтиҳонига
Кейин бронзага айланар бутун.
Шу дам... Униси ҳам қайтар ёнига,
Олов бўлиб... Иситмоқ учун...

Яна топишарлар. Энди ҳижрон йўқ.
Бир-бирига мангулик йўлдош.
Мангулик мулоқот. Ширин ва қуюқ.
Ота—олов. Она-бола — тош...

...Аввал икки киши эди улар,
Топганини еб-ичишарди.
Тунларини тонгларга улаб,
Бахт ҳақида фол очишарди.

Кейин улар уч киши бўлди.
Кўнгилларда — қуёш... Чарогон...
Шурга тўлди, бахтга тўлди.
Ҳароратга тўлди хонадон.

Кейин... бир-бирини йўқотди улар.
Яна бир-бирини топиб, бирлашиб,

Мана, фасларни фаслга улаб,
Бир эртак сўзлашар: ачкиқ ва ажиб...

* * *

Кўнглим чорбоғига куз ҳоким бугун,
Умид чироқларин ерга тўшаган.
Шодлигим қайдадир тентирар юпун,
Шодлигимни излаб йўлга тушаман.

Уйлардай эшилиб ётади йўллар,
Йўллар қамраб олган дунёни тамом.
Мени қайларгадир элтмоқчи улар,
Мен-чи, шодлигимини излайман ҳамон...

Кўшиқ

Турналар, жон турналар,
Турналар,
Балаид учган турналар,
Турналар,
• Бирпас ёнимга тушинг,
Ёнимга,
Ўчимни ит тирмалар,
Тирмалар!
И-и-й-й-й!
Гул бўлмоққа туғилдим,
Туғилдим.
Ғунча бўлиб туғилдим.
Туғилдим.
Пешонам шўр экан-да,
Пешонам,
Очилмасимдан сўлдим,
Оҳ, сўлдим!
И-и-й-й-й!

Мени сўлдирди ҳижрон,
Сўлдирди.
Қонга тўлдирди ҳижрон,
Тўлдирди.
Айриб лочинимдан,
Айриб,
Тирик ўлдирди ҳижрон,
Ўлдирди!
И-п-й-й-й!

Узилди, дод, баётим,
Баётим,
Кесилди, дод, қанотим,
Қанотим.
Сенсиз энди вой тўрам,
Вой тўрам,
Қимга керак ҳаётим,
Ҳаётим?
И-и-й-й-й!

Бутун олам қоп-қора,
Қоп-қора,
Моҳтоб ҳам қоп-қора.
Қоп-қора.
Оҳларимнинг дудидан,
Оҳимнинг,
Офтоб ҳам қоп-қора,
Қоп-қора!
И-й-й-й-й!

* * *

Нўл бўйида ўлтирар у
Навжувон, навқирон,
Ҳамон йўлга мўлтирар у
Нигорон, нигорон.
Қучоғида ёлғиз ёдгор,
Ягона овунчоқ.

Яна битта овунчи бор:
 Ловиллаган ўчоқ.
Бу дунёда топгани шу,
 Шуни олиб кетар.
Шу шаклга айланган у,
 Шу ҳолича ўтар.
Оқиб кетди қанчалар сув,
 Ўзгармас у ҳамон,
Шу ҳолича ўлтирар у:
 Навжувон, навқирон.
Лекин унинг қанча-қанча
 Бағри қон тенгдоши,
Тақдирдан бўзлаганча
 Ўтган тақдирдоши,
Зеболигу малоҳатни
 Итқитиб сарбасар,
Фақатгина садоқатни
 Тан олган муштипар,
Идрокимнинг малולי-ю,
 Юракдаги алам,
Абдулланинг «Аёл»¹ню,
 Умринисо холам
Мункиллаган кампир бугун,
 Мункиллаган кампир..
Осмони ҳамон тутун,
 Боши ҳамон хамдир.
Энди улар кутмайди, йўқ,
 Қарамайди йўлга,
Улар кутган роса тўйиб,
 Улар кутиб бўлган.
Одам мангу яшамас ҳеч,
 Умр ўтар-кетар,
Бир кун эрта ё бир кун кеч
 Қазо пайти етар.

1 Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърига ишора.

Мана шундай, аста-секин
Утиб борар улар,
Аста-секин, бирин-кетин
Кетиб борар улар.
Уша даҳшат, ўша кўлфат
Унут бўлмасин деб,
Уша ҳайҳот, ўша нафрат
Унут бўлмасин деб,
Ёниқ турсин дея ҳар дам
Муқаддас туйғулар,
Пўл бўйига бронзадан
Вакил қўйган улар...

...Пўл бўйида ўлтирар у
Навжувон, навқирон,
Ҳамон йўлга мўлтирар у
Нигорон, нигорон...

* * *

Юксакдан юлдузлар мўлтирар унсиз,
Пастроқда томчи ёш турар муаллақ.
Ой пурида музлаб қолибди, эссиз...
Мен эса шодликни қидириб ҳалақ...

Умринисо холам

Ҳаёт шаробига қонмоқ қаёқда,
Жомига лабини тутганда энди,
Энди симираман дегани чоқда,
Жом ерга тушди-ю, чилпарчин синди.

Ун гулидан бири очилмасданок,
Олам рангига ранг қўшмасдан туриб,
Анвойи бўйлари сочилмасданок,
Бирдан офат тегди ва қолди қуриб.

«Отаси» хайр деб чиқиб кетди-ю;
Сўзида турмади келаман деган.

Йигирма ёшида бева қолди у
Икки норасида гўдаги билаи.
Кутди. Йиллар ўтди. Йиллар ва йиллар...
Уни зўрладилар турмуш қургин деб.
Куйиб ўтма, ҳаёт бир бор берилар,
Исмингга муносиб умр кўргин деб.

У бундай гапларга тушунмасди ҳам,
Ҳайрон бўлиб дерди ўзига секин:
«Наҳотки, — дерди у, — хиёнат қилсам,
Наҳотки кўз очиб кўрганимга мен?»

Кўз очиб кўргани...
Бу гапнинг ҳозир
Тўла маъносини англамаймиз биз.
Тушунчалар тамом ўзгарган ахир,
Ўзгариб кетгандир қарашларимиз.

Бу гап ўзбек билан бирга туғилган,
Бу гап оиланинг руҳи, қаноти.
У — катта садоқат билан йўғрилган
Катта муҳаббатнинг ўзбекча оти.

«Севаман» сўзини ишлатиш қайда,
«Синамоқ» қаёқда бир-бирин «юриб»,
Бир-бирин юзини биринчи марта
Чимилдиқ ичида ойнада кўриб,

Оила қуришган пок ва беғубор,
Исмигу совуққа чидашган бесўз.
Бир-бирига жонин беришга тайёр,
Яшаб ўтган бобо-момоларимиз.

Шу — катта муҳаббат дея аталар —
Ўткинчи эҳтирос, ўткинчи ҳавас,
Баладпарвоз сўзлар, ёлгон ваъдалар,
Сохта самимият, шубҳалар эмас!

...Умринин со холам ҳам шундай ўтди,
Эърозлаб «кўз омиб кўргани» ёдин.
Узининг борлигини тамом унутди,
Икки гўдагига тикди ҳаётини.

Ўғиллари, мана, бугунги кунда
Икки бор каттадир оталаридан.
Лекин ёшлигини ким берар унга,
Қим куйган умрини қайтарар экан?

Ёши олтмишда-ю, қараган одам
Қамнда етмиш беш, саксон беради.
Ноқобилроқ чиқди ўғиллари ҳам,
Уларга ҳам бўлмай қолди кераги.

Пўқ-йўқ-йўқ, бу ҳақда эмас ҳозир гап,
(Бу ҳам бўлар ҳали бир кун ҳақиқат).
Гап — ёруғ оламда олтмиш йил яшаб,
Яшамасдан ўтган умр ҳақида.

Лекин тақдирдан ҳеч полимас у,
Киприкларига ҳам қалқинмайди нам.
(Ахир, одам кўкен булоқ эмас-ку.
Қирқ йилда қурирди ҳатто булоқ ҳам!)

У донм сукутда. Қамгадир жуда.
«Худога шукур» деб қўяр ҳар замон.
Лекин ҳар бир шукур ва сукутида
Буюк бир нола бор, буюк бир туғён.

Шундай ўтди холам...
Машъум бир хобда...
(Дерсиз: «Ўтяпти десагиниз маъқул?!»
Дастлабки йиғирма йили ҳисобда,
Юз йил яшаса ҳам, қолгани — бир пул!)

Унинг суҳбатини қўмсаган пайтим
Ҳайкал ҳузурига чопаман дарҳол.

Унинг дардларидан сукут сақлайди
Уша, йўл бўйида ўлтирган аёл...

* * *

Минглаб аёл унга ишонч билдирган,
Минглаб ишончини мангу оқлар у.
Минглаб аёл унга ваколат берган,
Уларнинг дардини сукут сақлар у...

* * *

Мана, яна битта қурбон,
Яна битта муштипар:
Қирқ йил ўтди, у-чи ҳамон
Ёлғиз ўғлини кутар.

Қўшним

Кеч кирган.
Қозонда қайнайди шовла,
Товуқлар қўноққа қўнар бирма-бир.
Панжасини ялаб мушук миёвлар,
Ховлида ўлтирар ёлғиз бир кампир.

У занф нигоҳин уфққа тикар,
Уфқда — умиддай бир парча шафақ.
Шафақ ҳозир сўниб, йўқ бўлиб кетар,
Кампирнинг умиди сўнмайди фақат.

Унинг хаёллари само қадар кенг,
Қуёшсиз самодай қоронғи улар.
Ҳаммаси, ҳаммаси эсида унинг,
Ҳали қармаган ўша туйғулар.

Эсида: ёлғизин кузатди жангга
Саратон, пайшанба, нақ туш маҳали.

Тақдирин изминин берди ҳижронга.
Ҳижрон мангулигин билмасди ҳали.

Эсида: бир парча хат-хабар учун
Жонини берарди сўрсалар агар.
Кутишга айланган вужуди бутун,
Ва лекин йўқ эди бир парча хабар.

Йиллардай кечарди ҳар бир дақиқа.
Кунлар имилларди мангулик каби.
Сабот эди она, сабот эди, ҳа,
Фақат кутиш эди, кутиш — матлаби.

Дардда титраганча ёришарди тонг,
Дардда титраганча қуйиларди кеч...
..Тун қаро сочлари оқарди тамом,
Аммо ҳижрон туни ёришмади ҳеч.

Насибам бахтдир деб ўйлаганди у,
Насибаси ҳижрон бўлди дафъатаи.
О, Ватан, сен жуда қиммат тушдинг-ку,
Унинг ҳаётига тушдинг-ку, Ватан!

Бир йигитнинг умри ўтиб борар, ҳай!
Ҳамон кўзларига нишондир уфқ.
«Ўлмаيمان, — дейди, — то ўғлим келмагай,
Ўлолмаيمان, — дейди, — ўлолмаيمان, йўқ!»
«Ўлолмаيمان!» дейди...

Билмаيمان фақат
Не гуноҳи учун бу машъум жазо?
Раҳминг келсин унга, она табнат,
Борми ўлмасликдан ҳам ортиқ азоб!

• • • • •
• • • • •
Кеч кирган.

Қозонда қайнайди шовла,
Товуқлар қўноққа қўнар бирма-бир.
Занф нигоҳини уфққа боғлаб,
Ҳовлида ўлтирар ёлғиз бир кампир.

Умиддай қизарган шафақ ҳам сўнди,
Кампирнинг умиди сўнмагай мангу.
Бир йигитнинг умри ўтибди энди,
Абадият билан баҳс бойлаган у...

* * *

Юксакдан юлдузлар мўлтирар унсиз,
Пастроқда томчи ёш турар муаллақ.
Ой нурида музлаб қолибди, эссиз...
Мен эса шодликни қидириб ҳалак...

* * *

...Иўл бўйида бир тўп аёл
Тарқаб кетди бир зумда.
Боласини қучганича
Қолди фақат биттаси.
У кундузми, тунми демас,
Бўрондами, қуюнда —
Боласини қучганича
Тураверар муттасил.

У мангуга сукут сақлар,
Лекин асло гунг эмас.
У ҳайҳотдир, у фарёддир,
У — урушга лаънатдир.
У — бепоён бир қайғудир,
Лекин асло мунг эмас,
У — даъватдир. Бронзага
Айланган бир даъватдир...

* * *

...Йўл бўида ўлтирар у
Навжувон, навқирон,
Ҳамон йўлга мўлтирар у
Нигорон, нигорон...

* * *

Кипригин кўтарар мудраган уфқ,
Меншиг киприкларим юмилар секин.
Япроқлар тўкилиб тугагани йўқ,
Шодлигимни излаб тинганим йўқ мен...

1975 — 1980

МУНДАРИЖА

*«Тонг отиб келмоқда...»	3
*Арча ёнида	4
Дехқон	6
* Мен Анголаман	9
* Достон	14
Қўшиқ	15
* Уй	16
* «Кетар бўлдим қўйнингдан яна...»	17
«Тушларимга кирар бир чаман...»	18
«Умрим узоқ бўлар менинг ҳам...»	20
* «Дарахт баргларини тўкади...»	21
* Сотқин генераллар	22
* «Елғизлик дардига май даво дерлар...»	23
* Ҳаётим тадрижи	24
* Троллейбус	27
* Эмизак	28
Мирзо Улуғбек монологи	29
«Юксакликка қараб ўрмалайди йўл...»	31
* Шеърят маликаси	32
* Ҳадеб қарайверманг ойнага, хоним»	33
* Бемор ўғил бошида она айтган қўшиқ	34
* «Қизалоқ эди у жажжи ва ширин...»	35
* Фарзандларим (Туркум)	36
Муборақ	36
Марварид	36
Анвар	38
Аҳроп	39
Малика	40

Абдулла	41
* Иссиққўл манзаралари (Туркум)	43
Иссиққўл	43
Олисдаги чироқ	45
«Соҳилда...»	46
Иссиққўл манзараси	46
* Муҳаббат	50
* «Саф-саф бўлиб ўтар қизлар...»	51
* «Тамоннолар ўша-ўша...»	52
* «Умримизда бир маёқдир...»	54
* «Хотин жонга тегади...»	56
* Одамларнинг менга муносабати	58
* Йўл бўйидаги аёл	59

На узбекском языке

МАШРАБ БАБАЕВ

ДАЛЕКИЙ ОГОНЬ

Стихи

Редактор Қ. Раҳимбоева
Рассом А. Нурқабулов
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор Н. Жўраева
Корректор Д. Зоҳидова

ИБ № 1355

Босмахонага берилди 8.01.81. Босишга рухсат этилди 8.01.82.
Р 01105. Формати 70x90 1632. Босмахона қоғози № 3.
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,92
Нашр л. 2,64. Тиражи 10 000. Заказ № 30. Баҳоси 30 т. Гафур
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тош-
кент, Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитетининг Беқобод шаҳар босмахонаси.